



Хитойнинг Сиан шаҳридаги биринчи император Цинь Шихуанди мавзолейида хазина жойлаштирилган 16 тонналик тошдан ясалган тобут топилди.

Топилма сагана ичидан топилган бўлиб, бу кабр Цинь Шихуандининг ўгли шахзода Гаога ёки бошқа ворисларга тегишли бўлиши мумкин. Тош тобут 16 метр чуқурликдан топилган.

Хабарда “Тобут ичидан жуда кимматбаҳо буюмлар, жумладан куроллар, совутлар, нефрит, иккита олтин ва кумушдан ясалган туялар, ошхона буюмлари ва олти минг бронза тангалар топилди” дейилмоқда.

Шахзода Гао афсонавий шахс ҳисобланиб, у ҳақдаги маълумотлар эрамиздан аввал 85 йилда ёзилган Сим Цяннинг тарихий асарида учрайди.

Эслатиб ўтамиз, 1974 йили маҳаллий дехкон артезиан кудугини қазаётган вақтида терракотов армияси деб номланган ёдгорликни топиб олганди. Ушбу қўшин камида 8100 одам бўйидаги хитойлик жангчилар ва уларнинг отлари хайкалидан иборат.

Ана шу вақтдан бери Цинь Шихуандининг мавзолейи устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳақда karachik.com сайти хабар берди.